

УМАРОВ ИЛҲОМЖОН ЮЛДАШЕВИЧ

**ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИДА
ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**



ТОШКЕНТ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

УМАРОВ ИЛҲОМЖОН ЮЛДАШЕВИЧ

**ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИДА
ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Монография

ТОШКЕНТ – 2014

УЎК: 664:334.722 (575.1)
КБК 65.9 (5Ў) 09
У-47

У-47 **И.Ю.Умаров. Озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш истиқболлари. Монография / –Т. 2014, 176 бет.**

ISBN 978–9943–4493–2–9

Иқтисодиётни модернизациялаш ва Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари билан ўзаро интеграциялашуви даврида бугунги глобал муаммолар сирасига инсонларни озиқ-овқат билан таъминлаш муаммоси ҳам киради. Айниқса, бу масала ҳозирги иқтисодиётнинг инновацион тараққиёти шароитида янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Ушбу муammo аҳоли зич жойлашган ҳудудларда нисбатан кескин характерга эгадир. Бунинг ижобий ҳал этилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Ушбу монографияда озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Монография профессор-ўқитувчилар, иқтисодиёт йўналишидаги талабалар ва малака ошириш курслари тингловчилари, иқтисодий соҳада илмий изланишлар олиб бораётган илмий ходимлар, тадқиқотчилар ва кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

Иқтисод фанлари доктори, профессор
Қ.Ҳ.МУФТАЙДИНОВ таҳрири остида

Такризчилар:

Б.Б.Беркинов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

О.Комолов – иқтисод фанлари номзоди, доцент

Монография Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978–9943–4493–2–9

© Умаров И.Ю.
© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2014.

КИРИШ

Жаҳоннинг ривожланган давлатлари тажрибасидан маълумки, тадбиркорлик фаолияти иқтисодий тараққиётнинг пойдевори, ривожланишнинг остки бўғини ҳисобланади. Бунга албатта тадбиркорлик субъектларининг тараққиётга элтувчи қатор ижобий сифатлари сабабдир. Энг аввало бу бўғиннинг асосий сифати унинг мавжуд иқтисодий ҳолатга мослашувчанлиги ва ривожланишга ўта интилувчанлигидир.

Шу сабабли ҳам ҳозирда ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида сезиларли салмоққа эга бўлган йирик компаниялар, фирмалар, корпорация ёки концернлар ҳам дастлаб кичик бизнес ёки тадбиркорлик субъектлари сифатида шаклланган. Ана шу хусусиятлар ва энг муҳим тадбиркорлик субъектларининг мавжуд иқтисодий ҳолатга тез мослашувчанлигида бошқа тадбиркорлик субъектлари каби озиқ-овқат саноати тадбиркорлиги ҳам муҳим омил саналади. Айниқса, жаҳон озиқ-овқат маҳсулотлари бозорини ўзининг таъсир доирасига тобора кенг қамраб олаётган глобаллашув жараёнлари Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати тадбиркорлигини жадал ривожлантиришни долзарб масалалар қаторига қўймоқда.

Қолаверса дунё мамлакатларидаги иқтисодий ҳолатлар, ривожланмаган давлатлар аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги тақчилликлар ҳам бу масалага назарий ҳамда амалий жиҳатдан катта эътибор билан қарашни талаб этмоқда. БМТ озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) нинг маълумотларига кўра, 2008 йилнинг бошида жаҳонда очарчилик ҳолатида кун кечираётганларнинг умумий сони 925 млн. кишига етган бўлса, 2009 йилнинг охирига келиб 1 млрд. нафарга етди. Айни вақтда 2008 йил давомида ғалланинг ўртача жаҳон нархининг икки баробардан зиёдга ортганлиги, сабзавотлар нархининг икки баравардан зиёд ошганлиги инobatга олинадиган бўлса, глобал озиқ-овқат муаммоси тобора кескин тус

олаётганини эътироф этиш мумкин¹. Бундай шароитда, Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Юртимизда экин майдонларини оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини районлаштириш борасида ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб борилаётгани энг муҳим хом ашё ва экспортбоп маҳсулот бўлмиш пахта етиштиришнинг нисбатан барқарор ҳажмини сақлаган ҳолда, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни бир неча баробар кўпайтириш имконини берди. Энг муҳими халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга замин туғдирди, керак бўлса, уларни чет мамлакатларга экспорт қилишга имкон бермоқда. Хусусан, ғалла етиштириш 2000 йилга нисбатан 2 баробар, картошка – 3,1 марта, сабзавот – 3,2 баробар, узум – 2 марта, гўшт ва сут – 2,1 карра, тухум – 3,4 баробар ошди»².

Ўзбекистонда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ички бозорни сифатли маҳаллий товарлар билан тўлдириш ва пировардида аҳолининг турмуш фаровонлигини кўтариш борасида чуқур ҳамда пухта ўйланган таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Таркибий ўзгаришлар бугунги кунда дунёда глобал воқелик ҳисобланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамда унинг мамлакат иқтисодиётига салбий таъсирларини пасайтиришга ҳам мустаҳкам замин бўлмоқда.

Хусусан, республикада озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва аҳолини кундалик истеъмол маҳсулотлари билан таъминлашда озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси улуши 1999 йилдаги 19,2 % дан, 2013 йилга келиб 33,4 %, хусусий корхоналар улуши 43,2% га ўсган, лекин белгиланган режа кўраткичларидан паст³. Бунинг сабаби, вилоятларда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг етарли даражада қайта ишланмаётганлиги, инфратузилма тармоқларининг талаб даражасида эмаслиги, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўларок

¹ Фозилов Ф.М. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув шароитида Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш: Иқт. фан. ном. дисс... автореф. – Т.: ДЖТИ, 2008. – Б. 3.

² Каримов И.А. «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» // Халқ сўзи, 2014 йил, 18 январь, №13 (5943).

³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари. –Тошкент, 2014.

қондиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга эътиборнинг етарли даражада эмаслигидадир. Юқорида кўрсатилган сабаблардан келиб чиқиб, озиқ-овқат саноатида прогрессив таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва мулкчиликнинг турли шакллари ривожлантиришга асосланган экологик тоза, сифатли ва рақобатга чидамли янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш энг долзарб муаммолардан ҳисобланади. Бироқ, ушбу тадқиқотларда кейинги йилларда иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, рақобат муҳитининг кескинлашуви, инвестициялар оқимининг кучайиши, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини нафақат миқдор жиҳатдан, балки сифат жиҳатдан ҳам ортиши каби масалаларга етарли даражада эътибор берилмаган. Шу сабабли, мазкур монография озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича долзарб масалаларнинг ечимини топиш, уларни атрофлича ўрганиш ҳамда илмий асосланган хулосаларни ишлаб чиқишга қаратилган.

Ишнинг биринчи боби «Озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий асослари» деб номланади. Унда тадбиркорлик тушунчасининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятининг шаклланишига таъсир этувчи омиллар ва унинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган.

Иккинчи боб «Озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий механизми ва унинг самарадорлигини баҳолаш» масалаларига қаратилган. Унда тадбиркорлик асосида фаолият кўрсатишнинг янги шакллари ва уларга таъсир этувчи омиллар, озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик самарадорлигини баҳолаш услублари ўрганилган.

Учинчи боб «Озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш тенденциялари ва таҳлили»га бағишланган бўлиб, у ўз ичига озиқ-овқат саноати тармоқларида тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий таҳлили, Ўзбекистонда ялпи озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили, озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг хориж тажрибаси юзасидан умумий фикр ва хулосалар очиб берилган.

Тўртинчи боб «Озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни рағбатлантиришнинг давлат сиёсати» деб номланади. Унда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тадбиркорлик фаолиятига давлат қўмагини ташкил этиш зарурияти, озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, инфратузилмалар тизими ва уни такомиллаштириш, рақобат муҳитини давлат томонидан тартибга солиш асосида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, озиқ-овқат саноатида тадбиркорликнинг инновацион салоҳиятини ошириш юзасидан ёндошувлар ўрганилган.

Бешинчи боб «Озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришда инвестицияларни молиялаштириш ва уларни иқтисодий баҳолаш»ни ўз ичига олади, унда бир қатор масалалар кўзда тутилади. Улар молия-кредит институтларида инқироз шароитида тадбиркорлик фаолиятини такомиллаштирувчи мақбул инвестиция муҳитини яхшилаш йўллари ҳамда инқироздан кейинги давр шароитида озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш истиқболлари юзасидан илмий асосланган хулосаларни ўз ичига олади.

1-БОБ. ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Тадбиркорлик тушунчасининг ижтимоий-иқтисодий МОҲИЯТИ

Ҳар қандай жамиятда инсоният ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларининг тўхтовсиз ўсиб бориши ва уларни қондириш учун зарур бўладиган неъматларни ишлаб чиқаришда қўлланиладиган механизмлардан қоникмаслик ҳамда турли даражада иқтисодий ресурсларнинг чекланганлиги муаммосига дуч келинади. Шу боисдан, чекланган иқтисодий ресурслардан тежаб-тергаб унумли фойдаланиш эса иқтисодий ўсиш ва самарадорликка эришишнинг аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим шarti ҳисобланади. Албатта, иқтисодий ресурслар таркибида яратиладиган меҳнат самараси бевосита тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ. Айни пайтда бу фаолият кишиларнинг тадбиркорлик қобилияти ва инсоннинг ишбилармонлик масаласи билан ўзаро алоқадорликда юзага келади. Ушбу омилларни фаоллаштириш эса, бир томондан, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга, шу жумладан, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, яратилаётган маҳсулот сифатини янада яхшилашга, иккинчи томондан эса, тадбиркорлик қобилияти ишга солинишига имкон беради. Айни пайтда тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилишнинг самарали шакл ва услубларини ривожлантириш борасидаги изланишлар бутун бошқарув тизимининг такомиллашуви билан чамбарчас боғлиқдир.

Тадбиркорлик ривожининг назарий асослари иқтисодий тафаккур тарихидаги бир қанча илмий манба ва фундаментал асарларда ўз аксини топган. Иқтисодий адабиётларда тадбиркорлик атамаси, унга доир назарий қарашлар илк бор XVI асрда шаклланганлиги қайд этилган. Дастлаб француз иқтисодчиси Р.Кантильон тадбиркорлик тушунчасини илмий муомалага киритган.

XIX асрга келиб тадбиркорлик назариясини Д. Рикардо, А. Смит, Ж.Сэй, XX асрда эса Друкер, Р. Коуз, А. Маршалл, Ф. Майт, Фон Хайек, А.Хоскинг, Й.Шумпетер ва бошқалар ривожлангандилар.

Хусусан, Р.Кантильон корхонага эга бўлган, рақобат ва хавф-хатар остида савдо фаолиятини олиб борувчини тадбиркор, унинг фаолиятини эса, тадбиркорлик фаолияти деб атаган. Француз иқтисодчиси Ж.Сэй «тадбиркорни – воситачи, ишлаб чиқариш омилларининг координатори, тажриба ва билим эгаси»¹, унинг даромадини эса тадбиркорлик қобилиятининг баҳоси деб таърифлайди.

Й.Шумпетер ўз давридаги иқтисодчилар ичида биринчи бўлиб тадбиркорликни ҳар қандай жамиятга хос бўлган умумиқтисодий универсал функция деб атаган².

Инглиз профессори А.Хоскинг фикрича, «тадбиркор – ўз ҳисобидан иш юритади, бизнесни бошқаришда шахсан ўзи шуғулланади ҳамда зарурий воситалар билан таъминлашда жавобгарликни шахсан ўз зиммасига олади, унинг мукофоти бўлиб тадбиркорлик фаолияти натижасида олган фойдаси ҳисобланади»³. Бу таърифда тадбиркор барча нарсага тайёр туриши зарур эканлиги таъкидланади.

МДХ олимларидан Ю.Пашкус ва О.Миськоларнинг фикрича, «тадбиркорнинг фаолияти максимум фойда олишга қаратилган, яъни бирор фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган даромадлар ва харажатлар фарқини кўпайтиришдир»⁴. В.Камаев «тадбиркорлик – бу фойдани кўпайтириш учун йўналтирилган фаолиятдир»⁵ деса, профессор С.Борисов «тадбиркорлик – бу ишлаб чиқаришнинг зарурий омилларидан бойлик яратишда фойдаланишдир»⁶, деб таъриф берган. Юқорида келтирилган таърифлардан кўриниб турибдики, МДХ олимлари тадбиркорлик фаолиятига кўпроқ фойда ва даромад олиш нуқтаи назаридан ёндошган. Ғарб мамлакатлари олимлари эса тадбиркорларни асосан хавф-хатарга қарамай таваккал қилишга мойил ва бирон-

¹ Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 216 – 217 б.

² Шумпетер Й. Теория экономического развития. Пер. с англ. – Москва: 1992. – 260 с.

³ Хоскинг А. Курс предпринимательства: Практические пособие. – Москва: Международные отношения, 1993. – 157 с.

⁴ Пашкус В.В., Мисько. О.Н. Бизнесга кириш. – Д. 1991. – 8 б.

⁵ Камаев В.Д. Экономика и бизнес. – Москва: 1993. – 35 б.

⁶ Борисов С.Ф. Основы экономической теории. – Москва: Экономика. 1995. – 83 с.

бир тадбиркорлик ғоясини амалга оширишга ҳаракат қиладиган кишилар, деб таърифлайдилар.

Тадбиркорлик фаолиятининг шаклланишига оид назарий қарашлар Шарқ ва Ғарб цивилизациясида ўзига хос тарзда шаклланган. Ушбу соҳа мутахассисларининг фикрича, тадбиркорликни ривожлантиришга дахлдор қарашлар аввал Шарқда шаклланиб, кейинчалик Ғарбга кўчган.

Шарқ тарихи, иқтисодий тафаккур ва маданиятида муҳим ўрин тутган Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий Низомулмулк, Ибн Халдун, Абу Наср Фаробий, Алишер Навоий каби мутафаккирлар илмий меросларида тадбиркорлик фазилатлари ҳақидаги ғоялар илгари сурилган.

Ислоннинг асосий манбаи бу – Қуръони каримдир. «Қуръони карим» ва Пайғамбаримиз ҳадисларида илгари сурилган энг муҳим ғоялардан бири – истеъмол меъёри, истеъмол чегараси, яъни истеъмол маданияти масаласидир. Уларда қайд қилинадики, Оллоҳ бандаларига дунёдаги барча ноз-неъматларни истеъмол қилиш учун инъом этган. «Бандаларим енглар, ичинглар, лекин исроф қилманглар», истеъмол меъёридан (қорин тўйгандан кейин) ортганидан кейин ҳам истеъмол қилиш (ортиқча еб-ичиш) макрухдир¹, деб фарз қилинган. Бу исломий ғоя остида жуда катта мазмун бор. Бунинг маъноси, бизнинг фикримизча, ижтимоий-иқтисодий фаровонлик, яшаш даражаси, ноз-неъматларнинг мутлоқ кўпайтирилиши билангина шаклланмайди. Неъматлар мўл-кўл бўлиши мумкин, бироқ уни исроф қилиш, иккиламчи ва бошқа чиқиндиларга ажратиб ташловчи технологияларни қўллаш, истеъмол меъёрини билмаслик қашшоқлик ёки иқтисодий тангликка олиб келиши мумкин. Низомулмулк ўзининг «Сиёсатнома» асарида ҳалол меҳнат ва ишбилармонлик хислатлари тадбиркорликнинг кишилар манфаатига хизмат қилиши, фойда кетидан қувиб омма манфаатига хилоф иш тутишнинг оқибати яхшиликка олиб келмаслигини асослашга уринади. Ушбу фикрни тасдиқлаш учун ҳикоятлар келтиради. «Эшитишимча, – деб ёзади Низомулмулк, – нонвойлар дўконларни ёпадилар. Нон кадрли ва тақчил бўлиб қолади. Бундан ранжиган камбағал ва дарвешлар Султон даргоҳига келиб нонвойлардан шикоят қиладилар. Султон

¹ Йўлдошев Қ., Муфтайдинов Қ. Иқтисодий билим асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 115 – 116 б.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/739> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/739> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/739>